

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНИШИГА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ

Х.Шайматова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

У. Йўлдошев

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

мазкур мақолада инвестор учун инвестицион қарор қабул қилиш энг масъулиятли масала ҳисобланади. Бундай дейишга асос, инвестор бир вақтнинг ўзида кўп мезонли ва турли йўналишли омилларни баҳолаши зарур бўлади. Инвестор ҳар қандай инвестицион қарорни қабул қилишда давлат ёки тармоқнинг инвестиция муҳитини ўрганиши энг муҳим масала саналади. Инвестор инвестиция киритмоқчи бўлган минтақа ёки давлатдаги вазият қанчалик мураккаб бўлса, инвесторнинг эътибори ушбу ҳудуддаги инвестицион муҳитни баҳолаб берувчи экспертлар ҳулосасига таянади. Шундай экан, инвестицион муҳитнинг қулайлиги бевосита ва билвосита инвестицион фаолиятнинг асосий бўғинини ташкил этади.

Таянч сўзлар: саноат корхоналари, қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ривожланиши, ўз навбатида уларнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Молиявий глобаллашув шароитида ички ва ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишда инвестицион муҳитининг ҳолати муҳимдир. Чунки яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар ва кўрсатилиши мумкин бўлган амалий ёрдамлар инвесторлар учун инвестицион қарорлар қабул қилишда катта аҳамият касб этади.

Фикримизча, инвестор учун инвестицион қарор қабул қилиш энг масъулиятли масала ҳисобланади. Бундай дейишга асос, инвестор бир вақтнинг ўзида кўп мезонли ва турли йўналишли омилларни баҳолаши зарур бўлади. Инвестор ҳар қандай инвестицион қарорни қабул қилишда давлатёки тармоқнинг инвестиция муҳитини ўрганиши энг муҳим масала

саналади. Инвестор инвестиция киритмоқчи бўлган минтақа ёки давлатдаги вазият қанчалик мураккаб бўлса, инвесторнинг эътибори ушбу ҳудуддаги инвестицион муҳитни баҳолаб берувчи экспертлар ҳулосасига таянади. Шундай экан, инвестицион муҳитнинг қулайлиги бевосита ва билвосита инвестицион фаолиятнинг асосий бўғинини ташкил этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқларида ўзгаришлар, таркибий ислохотлар олиб борилмоқда. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни яхшилаш борасида қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда [1].

Иқтисодий самара олиш мақсадидаги фаолият инвестицион муҳит элементларига боғлиқ. Инвестор ўз ихтиёридаги ресурсларини тадбиркорлик лойиҳасига сарфлашдан олдин асосий диққат-эътиборини асосан иккита элементга қаратиши лозим. Булар инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар.

Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларнинг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир [2].

Хўжалик субъектлари даражасидаги инвестиция муҳити инвестиция фаоллигини кўрсатувчи макроиқтисодий омиллардан бири сифатида тавсифланади. Инвестиция муҳитининг ушбу ўзига хос аҳамиятини ҳисобга олиб, уни самарали бошқаришни ташкил этиш зарур. Инвестиция сиёсатининг инвестиция муҳитига бошқариш омиллари орқали таъсир этиши инвестициялаш шартларининг сифатини яхшилашга туртки бўлади.

Мамлакатда жозибador инвестиция муҳитини яратилишининг муҳим иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий омиллари сифатида иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, молиявий инфратузилмани шаклланганлиги ва мустаҳкам ҳуқуқий тизимни яратилганлиги билан белгиланади.

Инвестициялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция муҳитини яхшилашнинг асосий йўналишлари таҳлилининг кўрсатишича, аксарият инвестициялар узоқ муддатли характерга эга. Инвестиция қонунчилигини такомиллаштириш орқали инвестиция муҳити жозибadorлигини янада ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда ривожланаётган ва ҳатто ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ҳам инвестицияларни жалб этиш доимий равишда кенгайтириб борилмаса, иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиб бўлмаслигини ҳаммага маълум.

Инвестицион фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ тузилмани ривожлантириш, жумладан, инвестиция фондлари, венчур фондлари, стартап-компаниялари каби янги молиявий институтлар ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш республикада иқтисодиётдаги корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник янгилашни жадаллаштириш, узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш кўламларини янада кенгайтириш, тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш ва уларнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги банк-молия хизматларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ [3].

Инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар иштирокида инвестициялашни ташкил

этишда хорижий инвесторнинг лойиҳани реализация қилишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бажариш муддатларида миллий инвесторларнинг улушидан кам бўлмаган миқдорда капитали билан самарали иштирок этишини таъминлаш орқали хорижий инвестициялар самарадорлигига эришилади [4].

Иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган индекслардан бири *ICOR* (incremental capital- output ratio) бўлиб, у мамлакатдаги реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради. Бу индекс асосий капиталга қўйилган маблағларни ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатига нисбатини билдиради, яъни:

Бу ерда, *I* – асосий капиталга киритилган йиллик инвестиция;

$$ICOR = \frac{I_t}{\Delta GDP_t}$$

GDP – ЯИМ маҳсулот миқдори;

t – ўрганилаётган давр;

ΔGDP – ЯИМ маҳсулот миқдорининг ўзгариши.

Демак, *ICOR* индекси иқтисодиётдаги ўрганилаётган *t* давридаги асосий капиталга киритилган инвестициялар, ЯИМ ва ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатига боғлиқ бўлади. Агар *ICOR* индекси юқори қийматга эга бўлса, хулоса қилиш мумкинки, иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги паст бўлади.

Шунингдек, инвестиция муҳитига таъсир этувчи ижобий омилларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, инвестициялаш жараёнини фаоллашувига хизмат қиладиган қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- инвестиция муҳитини тармоқ, ҳудуд, мулк шакллари бўйича шакллантириш;

- инвестиция муҳитини инвестициялаш субъектлари бўйича шакллантириш;

- инвестиция муҳитини маълум босқичларга бўлиб шакллантириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этишда мамлакат ва унинг ҳудудларида яратилган инвестицион муҳит ҳолати муҳим рол ўйнайди ҳамда инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги тармоқ корхоналарига инвестицияларнинг кенгжалб этиш ва улар фаолияти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бекмуродов А.Ш., Карриева Е.К., Нетьматов И.У. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. - 166 б.
2. Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Молия”, 2010. - 153 б.
3. Лафта Дж. К. Менеджмент / пер. с англ. М.: ТК “Велби”, 2004. - 592с.